Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 118 (6. 607) 1988 йил 24 май, сешанба Баҳоси 3 тийин

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ «Вашингтон пост» газетаси ва «Ньюсуик» журналининг саволларига жавоблари

Савол. Президент Рейган билан учта учрашув таъсири остида Сизнинг капиталистик ва социалистик мамлакатлар ўртасидаги тинч мусобақани келгусида қандай тартибга солиш лозимлиги тўғрисидаги тасаввурингиз ўзгардими? Сизнинг фикрингизча, президент билан бўлгуси учрашув бу мусобақани барқарорлаштиришга қандай ҳисса қўшади?

Жавоб. Дунёда ижобий тенденциялар вужудга келиб, ривожланаётганига аминман. Муҳолифликдан тинчтотув яшаш сари бурилиш рўй бермоқда. «Совуқ уруш» шарпаси ўрнини умидворлик эгалламоқда. Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасида муносабатларни яхшилаш, соғломлаштириш нишоналари бунда каттагина роль ўйнаётганини ҳам кўриб турибман. Дунёнинг ҳамма жойида ўзгаришлар, айтиш мумкинки, халқаро муносабатларни қайта қуришга эҳтиёж ўткир тарзда сезилиб турибди. Мана шундай вазиятда Ғарб билан Шарқ ўртасидаги ижобий алоқаларни қўллаб-қувватлаш бениҳоя муҳимдир.

Ҳозирги дунёда Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи жуда катта роль ўйнаётганликлари сабабли улар ўртасидаги мулоқот ҳаётий заруратдир.

(Давоми иккинчи ва учинчи бетларда).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1988 йил 23 майда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленум «КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тезисларининг лойиҳаси тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шу масала юзасидан нутқ сўзлади.

Пленумда: Қозоғистон Компартияси Кустанай область комитетининг биринчи секретари В. П. Демиденко, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари А. Н. Герасимов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. Г. Ведерников, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, СССР молия министри Б. И. Гостев, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари Ф. В. Попов, Украина Компартияси Киев область комитетининг биринчи секретари Г. И. Ревенко, КПСС Астрахань область комитетининг биринчи секретари Л. А. Бородин, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р.-Б. И. Сонгайла, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг ректори А. А. Логунов, Украина Компартияси Львов область комитетининг биринчи секретари Я. П. Погребняк, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Е. П. Велихов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. И. Патиашвили, Украина Компартияси Днепропетровск область комитетининг биринчи секретари В. А. Ивашко, КПСС Куйбишев область комитетининг биринчи секретари Е. Ф. Муравьев, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. В. Загладин, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, Украина Компартияси Одесса область комитетининг биринчи секретари А. П. Ночевкин ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул этди, бу қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Пленум СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карповни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан аъзоликка ўтказди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1988 ЙИЛ 23 МАЙДАГИ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ТЕЗИСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Марказий Комитет Сиёсий бюроси тақдим этган тезислари маъқуллансин.
2. КПСС Марказий Комитетининг тезислари партия ташкилотларида, барча меҳнаткашлар ўртасида кенг муҳокама этиш учун матбуотда эълон қилинсин.
3. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевга XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида доклад қилиш топширилсин.

УЧ ҚИТЪА КИНОУСТАЛАРИ БАЙРАМИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали Тошкент-88

Бугун В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари X Халқаро Тошкент кинофестивали тантанали равишда очилади

Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Ш. Р. МИРСАИДОВ,

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

Тошкент заминига яна кино санъати байрами — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари X Халқаро кинофестивали ташриф буюрди. Мазкур анжуман «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остида ўтказилмоқда. Анжуман учун Тошкент шаҳрининг танланганлиги бежиз эмас. Ўзбекистон пойтахти тинчлик, дўстлик ва осойишталик ғоялари намойиш этилган шаҳар сифатида шуҳрат қозонган.

Ўтган икки йил мобайнида шаҳримиз ҳаётида жуда кўп ўзгаришлар рўй берди. Ҳамшаҳарларимиз куч-ғайрати билан Тошкент экономикаси юксалмоқда, уни ривожлантиришнинг социал муаммолари ҳал этилмоқда. Шаҳар меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўришяпти, қайта қуриш, демократияни такомиллаштириш ва ошкораликни ошириш ишига ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Ўтган вақт мобайнида асосий диққат-эътибор КПСС XXVII съезди олдинга қўйган муҳим вазифалардан бири — 2000 йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш вазифасини ҳал этишга қаратилди. Мазкур вазифани амалга ошириш учун шаҳарда комплекс уй-жой программаси ишлаб чиқилган, уни бажариш давомида шу беш йилликнинг дастлабки икки йили ичида хизмат кўрсатиш объектлари билан комплекс равишда қарийб 2 миллион квадрат метр шинам уй-жойлар бунёд этилди. Турар жойларни бунёд этиш суръати ўсиб бораяпти, бу ҳаммани қувонтиради.

Бизни шунингдек, Вашингтонда М. С. Горбачев ва Р. Рейган ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Шартномани имзолаганликлари, яқинда АҚШ президентининг стратегик қуролларни қисқартириш имкониятларини муҳокама этиш учун Совет Иттифоқига келиши ҳам қувонтиради. Афғонистондан чекланган миқдордаги совет қўшинларини олиб чиқиш бошланди. Буларнинг ҳаммаси одамларга тинч, ядросиз келажакка умид бахш этади. Биз буларсиз социал муаммоларни ҳал этиб бўлмаслигини тушунамиз. Тошкентликлар Коммунистик партиянинг тинчликсевар сиёсатини қўллаб-қувватлайдилар, ер юзида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этадилар. Кинематографчиларнинг X Халқаро анжумани ҳам тинчликни янада мустаҳкамлаш, барча халқларнинг гуллаб-яшнаши учун хизмат қилади, деб ишонамиз.

Тошкентликлар X Халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини қутлайдилар, ер юзида тинчлик қарор топиши йўлида уларнинг ҳаммасига янги ижодий муваффақиятлар, янги зафарлар тилайдилар. Хуш келибсиз, азиз дўстлар!

Салом, фестиваль!

Тошкент Осиё, Африка ва Лотин Америкаси X халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонларини баҳор байрами либосида кутиб олмоқда. Республика пойтахти майдонлари ва кўчаларини табрик транспарантлари, анжуманнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган олийжаноб шиори безаб турибди. Шиор ёзилган матода Ер куррасини ўраган кинолента тасвирланган ва «Тошкент-88» санаси қайд этилган.

Фестивалнинг бош қароргоҳи — «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ёнидаги майдонда СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари, шунингдек анжуманнинг байроғи ҳилпираб турибди. Ёнма-ён уч қитъа кино арбобларининг анъанавий учрашувида қатнашаётган мамлакатларнинг давлат байроқлари кўтарилган. Меҳмонхона комплексининг колонналари киностендлар билан безатилган, унинг рўпарасида Октябрь инқилоби номли хиёбон айланаси бўйлаб «Совет Ўзбекистони кинохроника кадрларида» экспозицияси жойлашган.

Фильмларнинг конкурс кўриги ўтадиган Санъат саройида киноплакат, фотоэкспозиция виставкалари очилган. Шаҳарнинг ўн тўртта кинотеатрида ҳам тематик вернисажлар бўлиб ўтади, ахборот программаси фильмлари кўрсатилади.

23 май куни, фестивалнинг тантанали очилиши арафасида Ўзбекистон жамоатчилиги вакиллари Тошкент аэропортида кинофестиваль қатнашчиларини самимий олқишладилар. Шаҳар аҳолиси тараққийпарвар кино санъати вакилларини нон-туз, гулдасталар, байрам тароналари ва шоду-хуррамлик билан кутиб олди.

(ЎзТАГ).

АССАЛОМ, ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИ!

ПРИВЕТ УЧАСТНИКАМ И ГОСТЯМ ФЕСТИВАЛЯ!

GREETINGS TO THE PARTICIPANTS AND GUESTS OF THE FILM FESTIVAL!

SALUT AUX PARTICIPANTS ET INVITES AU FESTIVAL!

SALUDOS ALOS PARTICIPANTES E INVITADOS AL FESTIVAL!

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

«Вашингтон пост» газетаси ва «Ньюсуик» журналининг саволларига жавоблари

(Давоми. Бошы биринчи бетда).

Биргаликдаги принципиал муҳим қоидалар, чуончи, ядро урушига ҳам, бошқа ҳар қандай урушга ҳам йўл қўйиб бўлмайди; муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал этиш керак; ҳозирги дунёнинг реалликларини тан олиш зарур, деган қоидалар қайд этилган мулоқотнинг мазмуни ҳақида гапирмаганда ҳам, шу мулоқот ўтказилиши фактининг ўзида катта маъно бор.

Мана шуларнинг ҳаммаси бутун дунёда янграб эшитилганлиги ва жаҳон аҳли бу ҳақда қандай фикр билдирганлигининг гувоҳи бўлганлигимиз жуда муҳимдир. Модомики шундай экан: ҳа, биз турличамиз ва шундай бўлиб қоламиз, деган хулоса келиб чиқади. Ўз ғояларимизга, ўз турмуш тарзимизга содиқ бўлиб қолаверамиз. Бироқ, муштарак масъулият, айниқса, икки буюк давлатимизнинг муштарак масъулияти бор. Биноборин, биз ўзимизнинг ҳар бир ҳаракатимизни шу масъулиятга қиёслашимиз лозим.

Президент билан бўлғуси тўртинчи учрашувнинг эҳтимол тутилган натижаларига, жумладан, стратегик ҳужум қуролларининг 50 процентини қисқартириш тўғрисида муфассал битимга эришиш истиқболларига келганда, шуни айтиш керакки, кейинги ойлар ва ҳафталар мобайнида бу хусусда жуда кўп мулоҳазалар билдирилганлиги муносабати билан бир гапни уқтириб ўтмоқчиман: сабр-тоқат қилинглар, учрашувгача саноқли кунлар қолди, бизнинг президент билан бирга ишлашимизга қўйиб беринглар. Биз қандай қарорга келишимиз жамоатчиликдан пинҳон тутилмайди-албатта.

Шундай бўлсада, иккита мулоҳазани айтиб ўтишни лозим кўраман. Олий даражадаги Совет-Америка мулоқоти давом эттирилишининг ўзи муҳим ва аҳамиятлидир. Ҳар ҳолда мен, аввалги учрашувларда бўлгани каби, ҳозирги дунёнинг асосий масалалари биз билан президентнинг диққат марказимизда бўлишига ҳамда биз мулоқот ва ҳамжиҳатликнинг янги поғонасига кўтарила олишимизга умид қиламан.

Башарти, стратегик ҳужум қуролларининг 50 процентини қисқартириш тўғрисидаги битим ҳозирги Америка маъмурияти даврида тайёрланадиган бўлса, биз, президент Рейган билан уни имзолашимиз йўлида тўсиқлар йўқ. Ишнинг шу тарзда боришини мен табриклаган бўлур эдим.

Савол. Ғарбдаги кўп кишилар кейинги ўн йилликларда ядро қуроли дунёдаги барқарорликни сақлаб қолишга кўмаклашди, деб ҳисобламоқдалар. Мана шундай шароитда СССР билан АҚШ учун энг оз даражадаги тийиб турувчи ядровий кучларни сақлаб қолиш тўғрисида келишиб олиш оқилона иш бўлмайдими?

Жавоб. Ядросиз дунёга интилиш беҳуда деб ҳисоблаётган кишиларнинг фикрига қўшила олмайман.

Ғарб вакилларининг, гўё агар ядро қуроли бўлмаганида, бир жаҳон урушисиз қирқ йил яшай олмаган бўлур эдик, деган даъвоси хусусида неча марталаб баҳслашганман. Бу даъво тахминий фараз маҳсулидир. Башарти, «даҳшат мувозанати» деб аталган нарса амалда ўйнаган ролга сергак баҳо берилса-чи? Бу нарса ташқи сиёсатни, экономикани, ҳатто маънавий турмушни мисли кўрилмаган даражада милитарлаштиришдан бошқа ҳеч қандай натижага олиб келгани йўқ. Бу нарса халқаро аҳлоқ ва одоб соҳасида зиён етказди, фашизмга қарши, биргаликдаги уруш ва унинг устидан қозонилган Ғалаба давомида Совет — Америка муносабатларида вужудга келган ишонч ва дўстлик, бир-бирига астойдил қизиқиш муҳитини барбод қилди.

Ядро қуролисиз ҳам ҳарбий-стратегик тенгликни қуйи даражада сақлаб туриш мумкинлигига аминман. Биз қуролланиш пойгасини тўхтатиш, уни орқага буриб юборишдан иборат йўлимизни равшан таърифлаб бердик.

«Энг оз миқдордаги тийиб турувчи ядровий куч» деб аталган нарсага келганда, ҳозир шу ғоя тарафдорлари билан баҳслашиб ўтирмайман. Ҳозир бизнинг ҳам, сизнинг ҳам стратегик аслаҳаноналаримизда 10 мингтадан ортиқ портловчи каллак мавжуд. Келинглар, аввал уларни икки ҳисса қисқартирайлик, кейин, эҳтимол, яна икки ҳисса, сўнгра яна икки ҳисса қисқартрамиз. Шу вақт ичида химиявий қуролни тугатиш ҳақида келишиб оламиз ва Европадаги оддий қурол-яроғларни қисқартириш жараёнини бошлаймиз. Бу ишларнинг ҳаммасида СССР билан АҚШгина эмас, ядро қуролига эга бўлган ва ядросиз бошқа давлатлар ҳам қатнашадилар. Бу эса дунёни сиёсат, тафаккур, умуман халқаро муносабатлардаги милитаризм руҳидан халос этиш сари ўзгартишнинг муҳим омили бўлиб қолади. Яна бир гап бор: агар биз ҳозирнинг ўзидаёқ «энг оз даражадаги ядровий тийилиш»ни кўзлаб ишлайдиган бўлсак, ядро қуроли бутун дунёга ёйила бошлайди, ҳатто биз Совет-Америка музокаларида ва ҳозир мавжуд ядродор давлатларнинг музокараларида эришилиши мумкин бўлган нарсаларни қадрсизлантириб, путурдан кетказиб қўяди, мен бунга аминман.

Инсониятнинг тинч келажагига «ядровий тийилиб туриш» эмас, балки ақл-идрок ва холис ният мувозанати, ялпи хавфсизлик системаси кафолот бериши мумкин.

Савол: НАТО раҳбарлари, ҳатто Европада оддий кучлардаги тенгликка эришилган тақдирда ҳам қитъада ядро қуролини қасос қуроли тарзида барибир сақлаб қолиш зарур, деган гапни айтишди. Агар, шу позицияга биноан, Ғарб учун ядровий қуролсизланиш мақбул бўлмаса, Европада жойлаштирилган тактик ядро қуролини модернизациялаш шартлари хусусида қўшма битимга эришишга интилиш лозим эмасми?

Жавоб. Қитъада қасос воситаси тарзидаги ядро қуроли хусусида айтилаётган гаплар — Европада ядро «чекланган уруши» концепциясининг ўзидир. Шу концепция биз АҚШ президенти билан Женевадаёқ айтган фикрга, чунончи, ядро урушида ғолиблар бўлиши мумкин эмас, бундай урушнинг ўзи бўлмаслиги керак, деган фикрга мутлақо зиддир. Европадаги тактик ядро қуролини модернизациялаш тўғрисидаги режанинг амалга оширилиши қитъанинг марказида ядровий фалокат хавфини солмайдими, ахир?

НАТОнинг ядро қуроли хусусидаги баёнотларини биламан. Аммо НАТО штабларидагина эмас, кенг жамоатчилик, илмий доираларда, ҳукумат доираларида ҳам фикр юритилаётганини ҳам биламан. Европанинг ғарбида ҳам, шарқида ҳам, Атлантикадан Уралгача оддий қурол-яроғларни, шу жумладан, икки хил вазифани бажарувчи воситаларни ҳам қисқартириш йўллари тўғрисида нуфузли тарафдорларга эга бўлган бир қанча ғоялар бор. Биз Европа шимолида ва Болқон ярим оролида ядросиз зоналарни вужудга келтириш ғоясини қўллаб-қувватлаймиз. Марказий Европада ҳамма турдаги ядро қуролидан ва умуман оғир қуролдан ҳалос этилган 300 километрлик йўлак вужудга келтириш тарафдоримиз. Мен ҳамма ғояларни эмас, фақат баъзиларинигина тилга оляпман.

Ядро урушидан ҳалос бўлиш сари интилиш усулини ҳар қандай «нусха»да ҳам чинакам хавфсизликка эришиш имконини бермайдиган ядро қуролига ёпишиб олишга уриниш орқали эмас, балки айни мана шундай, оралиқ лойиҳалари орқали излаш лозимлигига аминман. Сиз ўз саволингизда баён этган ғоялар ўзини-ўзи алдашдир.

Агар «тийилиб туриш» ҳақида гапириладиган бўлса, ҳатто оддий қурол ёрдамида атом электр станциясига ва химия заводларига зарба уришнинг ўзи ҳам аҳоли зич жойлашган Европа учун ҳалокатли бўлиши мумкинлигини англаш урушдан тийиб турмайдими?

Савол. НАТО мамлакатлари Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларга тўсатдан ёки кенг миқёсли ҳужум операциялари ўтказиш учун фойдаланиш мумкин бўлган ядросиз қуролярроғларни бир неча ўн мингталаб қисқартиришга рози бўлишни таклиф қилдилар. Бу ёндашув сизнинг номутаносиб қисқартишлар асосида музокаралар ўтказиш ҳақида айтган ниятларингиз доирасига мувофиқ келадими?

Жавоб. Бизнинг томонимиздан бу йўлда ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Бироқ НАТО билан Варшава Шартномаси ўртасида қурол-яроғлардаги номутаносибликка келганда, бу хусусда бир неча марталаб гапиришимга тўғри келган эди: иккала томонда номутаносиблик мавжуд. Биз номутаносибликни ўзаро тугатиш тарафдоримиз. Масалан, Варшава Шартномаси армияларида танклар кўп, НАТО армияларида эса зарбдор самолётлар кўп. Совет Иттифоқи ва бизнинг иттифоқчиларимиз мана шу ва бошқа номутаносибликларни дарҳол тугатишга тайёрдирлар, бироқ, такрор айтаманки, иккинчи томон ҳам шундай қилиши керак. Кейинчалик фақат мудофаа учун етарли бўлган энг паст даражада қурол-яроғларни баравар лаштириб олиш мумкин бўлур эди.

Ҳозир Венада 23 давлат вакилларининг бўлажак конференция учун мандат ишлаб чиқилаётган масалаҳатлашувларидаги ҳозирги иш мароми бизни қаноатлантирмайди. Агар Венадаги иш аввалгидек, ўртамиёна боравердиган бўлса, Европа ҳаливери мана шу номутаносибликларни тугатишга эриша олмайди.

Эҳтимол, мана шундай вазиятни мақбул кўрадиган кишилар ҳам бордир. Аммо улар ўз позицияларида узоқ тура олмайдилар, деб ўйлайман. Европа қитъасидаги хавфли ҳарбий қарама-қаршилик масаласини ҳал этиш муқаррарлигини тушунувчи кучлар ўсиб бормоқда.

Савол. Президент Рейганнинг ваколатлари тугагунига қадар қолган ойларда Сизнинг президент билан шахсий муносабатларингиз давлатлараро даражага кўтарилиши ва келажакда норма бўлиб қолиши учун нима қилиш лозим?

Жавоб. Ҳозирги халқаро муносабатлар тажрибаси давлатлар олий раҳбарларининг учрашувлари, айниқса, Қўшма Штатлар ва Совет Иттифоқидек давлатлар раҳбарларининг учрашуви ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Ҳамонки, иккала мамлакат мулоқотни давом эттириш ва муносабатларни соғломлаштириш зарурлигини яққол англаб олган экан, шу нарса мутлақо равшанки, бу ўринда гап фақат раҳбарларнинг шахсий позицияларидагина эмас. Бу — даврнинг қатъий амридир. Бу — халқларимиз муддаосидир. Совет — Америка мулоқотидаги доимий мезон ана шундайдир ва у сақланиб турибди. Агар бунга яна орттирилган тажрибани ҳам қўшадиган бўлсак, буларнинг ҳаммаси биргаликда изчилликка ҳамда ҳатто алоқаларни ва ҳамжиҳатликни кучайтириб боришдан умидвор бўлишга имкон беради. Аммо, такрор айтаманки, буларнинг ҳаммасига у ёки бу арбобларнинг кайфияти, уларнинг шахсий майллари эмас, балки давлатларимиз ва халқларимизнинг манфаатлари асос бўлади. Ўзаро муносабатларимизни олдиндан айтиб бериш мумкин бўлмаган маррага олиб бориб қўйишга ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқи йўқ. Совет — Америка мулоқотини давом эттириш ва ривожлантиришнинг негизи ана шундадир. Келажакда ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Хуллас, биз мулоқотни давом эттиришдан манфаатдормиз, унинг натижадор бўлишига ҳаракат қилаверамиз, навбатдаги Америка маъмуриятининг ҳам биз билан мулоқотга «кўникишини» енгиллаштиришга интиламиз, 1985 йилда бошланган Женева жараёнида узилиш бўлмаслиги учун ўзимизга боғлиқ барча ишларни қиламиз. Америка томонининг ҳам шундай йўл тутишига умид боғлаймиз, албатта.

Савол. Сиз президент Рейган Американинг бошқа раҳбарларидан фарқ қилади, деб ҳисоблайсизми? Унинг қайси фазилатлари ёки тасаввурлари ворисига ўтишини истар эдингиз? У ҳарбий-саноат комплекси АҚШ сиёсатини олдиндан белгилаб бермайди, деб Сизни ишонтиришга муваффақ бўлдими?

Жавоб. Маълумки, мен президент Рейган билан бундан уч йилча илгари Женевада танишган эдим. Ўтган давр мобайнида биз турли шаклларда доимо алоқа боғлаб турибмиз. Уч бор шахсий учрашув бўлди. Энди тўртинчи бор учрашув арафасидамиз.

Шахсий характеристикалар беришга менинг унча майлим йўқ. Ҳамонки, сиз сўраган экансиз, шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, сиёсатчи сифатида президент Рейганнинг муҳим фазилати реализмдир. Бу ўринда мен реализм деганда ўз эътиқодларини ҳимоя қилишни ва айни вақтда ўзгариб бораётган вазиятга мувофиқ тарзда ўз позициясини ўтказа олиш маҳоратини тушунаман.

Саксонинчи йилларнинг бошида Совет Иттифоқида ҳам, Америка Қўшма Штатларида ҳам айни президент Рейган биз билан ядро қуролларини қисқартириш тўғрисидаги тарихда биринчи битимни имзолаши кимнинг ҳаёлига келган эди? Аммо дунё ўзгарганлигини, мамлакатларимизнинг манфаатлари ўзгараётганлигини теран тушуниб олиш президент ўзининг маълум эътиқодларидан чекинмай, мавжуд реалликларга янгича назар ташлашига имкон берди. Дарҳақиқат, бугунги дунё тақдири учун ниҳоятда масъулиятли бўлган бизнинг давлатларимиз раҳбарлари учун ақидалардан воз кеча билиш олға қараб ҳаракат қилиш манфаати йўлида эскича тасаввурларни улоқтириб ташлашдек фазилатлар зарур эмасми, ахир. Мақсад эса ғоят олижаноб: халқларимизни ва бутун инсониятни ядро даҳшатидан халос этиш, янги муносабатлар ўрнатиш ва халқаро вазиятни соғломлаштиришдан иборат.

Ҳарбий-саноат комплексига келганда шуни эслатиб қўймоқчиманки, бу тушунчани биз эмас, балки ҳозирги президентнинг ўтмишдошларидан бири, республикачи Дуайт Эйзенхауэр ўйлаб топган эди.

У хато қилмаган кўринади. Аммо ана шу комплекс Америка сиёсатини белгилаб берувчи якка-ю-ягона кучми? Такрор айтаманки, бу комплекснинг таъсири анча катта бўлса ҳам, аммо белгиловчи эмас. Қуролсизланиш масалаларида ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган, бу соҳада битимга эришиш йўллари очилаётган, конгрессда ҳарбий бюджетни ва қурол-яроғлар учун бошқа маблағлар ажратиш масалаларини кўриб чиқиш яқинлашаётган бир пайтда мазкур комплекснинг таъсири айниқса рўй-рост ва ошкора сезилмоқда.

Аммо қадимги юнонликлар айтишганидек, ҳамма нарса ўткинчи, ҳамма нарса ўзгариб туради. Агар ҳақиқатан ҳам қуролсизланиш жараёни фаол кечиб, ҳарбий мақсадлар учун корпорацияларга бериладиган буюртмалар камайса, АҚШдан бир неча ўн минг километр нарида бирон-бир воқеа содир бўлганида, буни Американинг миллий манфаатларига хавф пайдо бўлди деб кўрсатиб, «кучни пеш қилиш» тўхтатиладиган бўлса, ҳудди ана шундай пайтда биз сиз билан шу хусусда яна гаплаша оламиз.

Савол. Американликлар Вьетнамдаги урушни тўхтатишга қарор қилишганидан кейин у ердаги вазият тез орада мушкуллашганини улар яхши биладилар. Сизнинг фикрингизча, Совет Иттифоқи бир йил мобайнида Афғонистондан ўз қўшинларини олиб чиқаётганида, у ерда қандай ўзгаришлар содир бўлади? Ана шу ўзгаришларни амалга оширишга Совет Иттифоқи қўшадиган улуш қандай бўлади?

Жавоб. Вьетнам ва Афғонистонни солиштириш сунъий солиштиришдир. Можаро характери нақадар фарқ қилиши тўғрисида гапирмай ҳам қўяқолай. Американликларнинг Вьетнамдан чиқиб кетиши арафасида бу мамлакат 20 йил мобайнида 17-параллел бўйлаб тахминан иккига бўлинган мамлакат эди. Ана шу икки қисмда узоқ вақтдан бери табиатига кўра бир-бирига зид ва мақсадлари бир-бирига сира ўхшамаган режимлар тимсоли бўлган ҳукумат бор эди.

Афғонистонда эса мутлақо бундай эмас. Аксинча, Афғонистон ҳукумати афғон халқини миллий жиҳатдан яраштиришни ва у шу негизда барча қарама-қарши томонлар иштирокида ҳукуматни коалиция тарзида қайта ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Равшанки, келажак Женева битимларига имзо чеккан барча томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини нечоғлик ҳалол ва собитқадамлик билан бажаришларига, бу битимларга у ёки бу усулда чап беришга уринмасликларига, шерикларни алдамасликларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Шуни яна бир карра тасдиқлашим мумкинки, Совет Иттифоқи ўз мажбуриятларини аниқ ва оғишмай бажариш ниятидадир.

Вазиятни бартараф этиш жараёни қай тахлитда бориши, Афғонистонда қандай ўзгаришлар бўлишини афғонларнинг ўзлари ҳал қилишади. Биз ички ишларга аралашмасликни билдирадиган принципда қатъий турибмиз. Совет Иттифоқи руш оқибатларини тугатишда, Афғонистон экономикасини мустаҳкамлашда республикага ёрдам беради. Хуллас, сира шак-шубҳасиз, СССР Афғонистоннинг мустақиллиги, бетарафлиги ва қўшилмаган давлат статусини ҳурмат қилиб, ўзининг жанубгаги қўшниси билан азалдан давом этиб келаётган анъанавий яхши қўшничилик ва дўстлик руҳида ҳаракат қилаверади.

Савол. Сиз, афғон муаммоси ҳал бўлганидан кейин, бу регионлардаги бошқа можароларга кучли таъсир қилади, деган эдингиз. Совет Иттифоқи Қўшма Штатлар ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда можароларни, жумладан Марказий Америка, Форс кўрфази ва Анголадаги можароларни бартараф этишга тайёрми?

Жавоб. Ҳа, тайёр. Агар Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида амалий алоқалар йўлга қўйилса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг Хавфсизлик Кенгаши ва бошқа органларининг обрў-эътибори ва имкониятларидан кенг кўламда фойдаланиладиган бўлса, регионлардаги можароларни сиёсий йўл билан бартараф этиш ва янги ана шундай можароларнинг олдини олиш халқаро муносабатлар практикасида тобора қарор топади ва нормага айланади, мен бу ҳақда илгари ҳам гапирган эдим. Ана шу эътиқодимни яна бир карра тасдиқламоқчиман.

Можароларнинг узоқ давом этиши — тарихан ёшини яшаб бўлган ақидалар сиёсатига тазйиқ натижаси эканлиги ҳақида жаҳонда етарлича далил-исботлар бор. Бу ақидалар маълум: ақл-идрок ва сиёсий дадилликка нисбатан куч ишлатиш усуллари афзал кўриниб, миллий хавфсизликни таъминлашга анъанавий ёндашувлар, бошқалар эвазига ўз ҳуқуқ ва манфаатларини қондиришга эришишдек, азалдан таркиб топган одат, халқаро муносабатларда адолат ва инсонпарварликнинг етишмаслиги шулар жумласидандир.

Биз президентга бу ҳақда бир неча бор айтган эдик, бўлажак учрашувда ҳам ана шу масалаларни муҳокама қилиш имкониятига эга бўламиз. Ҳар бир халқ ўз йўлини ўзи танлаб олиши ҳуқуқи ҳурмат қилинган тақдирдагина бу муҳокама самарали бўлади, албатта.

Савол. Тэтчер хоним Сиз билан суҳбатлар ҳақида гапирар экан, Ғарб давлати раҳбари ўзгаришларни амалга ошираётганида дуч келадиган таҳқид ва қаршиликни, Сиз қайта қуриш ва ошкоралик сиёсатини ўтказаётганингиздаги таҳқид ва қаршилик билан таққослади. Айни вақтда Тэтчер хоним Сизга муваффақият тилади. Ҳақиқатан ҳам бу ўринда ўхшашлик борми?

Яна бир савол. Ошкоралик деганда Сиз биз Ғарбда сўз эркинлиги деб атаётган тушунчадан кўра мутлақо бошқа нарсани назарда тутаётган кўринасиз, чоғи? Бу ўринда қандай тафовут борлигини тушунтириб бера олмайсизми?

Жавоб. Мен Тэтчер хоним вақти-вақти билан бизнинг шанимизга айтаётган эзгу сўзларни қадрлайман. Аммо шуни таъкидлашим лозимки, тинчликни сақлаш йўллари тўғрисидаги Тэтчер хонимнинг нуқтаи-назарига, унинг ядровий тийилиб туришга содиқлигига, социализмга бераётган баҳоларига қўшила олмайман.

Энди мамлакатимизнинг ва Ғарбнинг иқтисодий сиёсатидаги ўхшашликлар ва тафовутлар ҳақида гапирай. Истаган нарсада расман ўхшаш жиҳатларни топиш мумкин, албатта, бирон бир иқтисоат моҳиятининг маъзи чақилмаса, дарҳақиқат шундай ўхшаш жиҳатлар топилади. Энг асосий нарса эса принципиал фарқлардадир. Ҳозир СССРда амалга оширилаётган жараёнлар биз сира шубҳа қилмаётган ва принцип эътибори билан халқимиз учун бундан 70 йил илгари бирдан-бир тўғри бўлган тарихан танлаб олиган йўл негизида социалистик жамиятни революцион янгилашнинг кенг кўламли жараёнидир. Акс ҳолда, сиз ҳозир жаҳон тақдири масалаларини муҳокама қилиб турган мамлакатнинг ўзи ҳам бўлмас эди. Қайта қуриш чоғида турғунлик ҳодисаларига барҳам берилаётганлиги, йўлдаги тўсиқларни улоқтириб ташлаш, қолоқликни, консерватизмни тугатишни талаб этмоқда, биз баъзан сабрсизликка ҳам дуч келмоқдамиз. Тор таъмагирлик манфаатлари социал-иқтисодий жиҳатдан ҳам маънавий жиҳатдан ҳам қайта қуришга зид бўлган кишиларнинг онгли равишда қилаётган қаршилиги ҳам бор.

Аммо биз шу таҳлитда жамиятни янгилашни, унга янги фазилат бахш этишни истаётган қайта қуриш айни мана шундан иборат. Қайта қуриш қанот ёзиб, илдиз отиб, аҳолининг барча табақаларини, мамлакатнинг бутун территориясини қамраб олмоқда. Қайта қуриш авж олиб, куч-қувватга тўлиб бормоқда.

Ошкоралик ҳақида. Ошкоралик ва сўз эркинлиги бир-бири билан боғланган, албатта, лекин булар айнан бир тушунчанинг ўзи эмас. Сўз эркинлиги — ошкораликнинг зарур шартидир, аммо ошкоралик бундан ҳам кенгроқ тушунчадир, ана шундай шарҳласа ҳам бўлади. Биз ошкораликни ҳар бир граждननинг жами ижтимоий ва сиёсий масалалар хусусида ўз фикрини рўй-рост айтиш ҳуқуқи дебгина эмас, шу билан бир қаторда мамлакатни бошқараётган партия ва бошқа ҳокимият ҳамда бошқарув органларининг қарорларини қабул қилиш жараёнида рўй-ростлик принципига риоя этишдаги бурчини, ўз ҳаракатлари учун жавоб беришини, таҳқидга иш билан жавоб қайтаришини, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари ва айрим гражданлар бераётган маслаҳатлар ва тавсияларнинг инобатга олинишини ҳам тушунамиз.

Бизнинг назаримизда, ошкораликда — мамлакатнинг барча ишларини муҳокама қилишда, жамият манфаатларига тааллуқли бўлган қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ва бу қарорларнинг ижросини назорат этишда гражданларнинг реал иштироки учун шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қилинмоқда.

Савол. Чет элларда пайдо бўлган қайси ғоялар Сизнинг сиёсий ва иқтисодий тафаккурингиз ва ҳаракат тарзингизнинг шаклланишига таъсир этгани ҳақида гапириб бера олмайсизми? Ва аксинча, ошкоралик ва қайта қуриш сиёсати бошқа социалистик мамлакатларга қай тарика таъсир этмоқда?

Жавоб. Американинг «Харпер энд Роу» нашриёти чиқарган қайта қуриш тўғрисидаги китобимда мен янгича сиёсий тафаккур — ядро асри реалликларини идрок этишимиз натижаси, ўз мамлакатимиз ва атрофдаги дунёнинг ўтмиши ва бугунги куни тўғрисидаги теран ва ўз-ўзини таҳқид руҳидаги фикр-мулоҳазалар меваси эканлигини ёзган эдим.

Янгича тафаккур, қўшилмаслик ҳаракати, жамоат ва илмий доиралар, врачлар, олимлар, экологлар урушга қарши турли ташкилотларнинг хулосалари ва талабларини инобатга олди ва ўзига сингдирди. Биз бошқа социалистик мамлакатлар тажрибасини ҳам эътиборга олмоқдамиз, улар эса бизнинг тажрибамизни инобатга олмоқдалар, тажрибани ўзаро баҳам кўриш муттасил давом этяпти, аммо бир-биримизга моделларни тиқиштираётганимиз йўқ.

Ҳа, дарҳақиқат, ҳозир биз бир-биримизга боғлиқ эканлигимизни яхшироқ тушуниб турибмиз, бир-бири билан боғланган дунёда яшаётганимизни, ягона замонавий цивилизациянинг ажралмас қисмлари эканлигимизни ҳис этмоқдамиз.

Савол. Президентнинг гапларига қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, инсон ҳуқуқлари масаласи хусусидаги фикрларингизда тафовутлар бор. Шу билан бир вақтда Андрей Сахаровни озод қилиш, чет элларда яшашни истаётган айрим совет яҳудийларини ҳорижга жўнаб кетишини енгиллаштириш тўғрисидаги сизнинг дадил қарорингиз бутун дунё эътиборини тортди. Шу йўналишда яна қандай тадбирларни амалга ошириш ниятидасиз?

Жавоб. Асосий мазмуни бунёдкорликдан иборат қайта қуришимиз ўтмишнинг барча асоратларидан, социализмнинг инсонпарварлик моҳиятини рўёбга чиқаришга ҳалал бераётган нарсалардан покланишни қамраб олади.

Биз ўз муаммоларимизни биламиз ва улар ҳақида ҳалол ва очиқчасига гапирмоқдамиз. Демократиялаш жараёни инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласига ҳам тааллуқлидир. Биз инсон шахсиятининг сиёсий ва ижтимоий статусини оширмоқдамиз. Демократик жараён доирасида кўпгина масалалар ҳозирнинг ўзидаёқ ҳал этилди, қайта қуриш чоғида совет жамияти сифат жиҳатидан ўзгариб борган сайин бошқа масалалар ҳам ҳал бўлаверади. Аммо бу бизнинг ишимиздир. Биз бу масалаларни бирон-бир кимсага тилёғламалик қилиш, яхши кўриниш учун ҳал этаётганимиз йўқ. Бундай қилаётганлигимизнинг боиси шундаки, бу жамиятимиз манфаатларига мос бўлиб тушади. Бусиз қайта қуришни амалга ошириб бўлмайди ва ниҳоят, бунинг боиси шундаки, совет кишилари шуни истамоқдалар, улар ўтмишда муроса қилиб келган ва биз босиб ўтган бетимсол инқилобий ривожланиш йўлида бир қадар муқаррар бўлган ана шундай чеклашларга барҳам бериш зарурлигини аллақачон тушуниб етган эдилар.

Бир куни мен бир американликка, муаммолари бўлмаган мамлакатни айтинг, деган эдим чоғи. Ҳар бир мамлакатда ўз муаммолари, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммолар бор. Биз Қўшма Штатларда сиёсий, социал-иқтисодий ва бошқа ҳуқуқлар борасидаги ишларнинг аҳволидан хабардормиз, албатта. Америка жамиятининг ютуқлари, муаммолари ва нуқсонларини яхши биламиз. Айни вақтда биз сизнинг ички ишларингизга аралашаётганимиз йўқ. Ғарчи Америка жамиятида содир бўлаётган жараёнлар хусусида, маъмуриятингизнинг сиёсати хусусида ўз фикр-мулоҳазаларимизни айтишни ўринли деб ҳисоблаётган бўлсак ҳам, ички ишларингизга аралашаётганимиз йўқ. Биз буларни муҳолифлик объекти қилиб олишни истамаймиз. Биз бундай ёндашувни Совет — Америка муносабатлари манфаатларига, бундай муносабатларнинг келажагига мос бўлиб тушадиган тўғри ва адолатли ёндашув деб ҳисоблаймиз. Яна бир карра шуни таъкидламоқчиманки, биз Қўшма Штатларга ҳеч нарсани тиқиштираётганимиз йўқ. Айни вақтда биз ким бўлишидан қатъи назар ва мамлакатингизда бу иш билан ким шуғулланишидан қатъи назар бизнинг ички ишларимизга аралашишга уринишни рад этамиз.

Ёндашувимиз принципиал жиҳатдан ана шундай. Айни вақтда инсон ҳуқуқлари соҳасида шундай муаммолар ҳам борки, уларни биргаликда кўриб чиқиш талаб этилади. Сўнгги вақтда инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорлик механизми таркиб топа бошлади. Бу ишга олимлар, мутахассислар, жамоатчилик вакиллари кенг жалб этилди. Конкрет масалалар уларнинг учрашувларида осойишта вазиятда ва амалий тарзда кўриб чиқилмоқда.

Биз инсон ҳуқуқлари юзасидан СССР Олий Совети депутатлари ва АҚШ конгресси аъзолари иштирокида доимий орган тузилиши тўғрисидаги ахдлашувни қутлаймиз. Гражданларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш иккала мамлакатдаги қонун чиқарувчиларнинг ишидир.

Бундан буён ҳам шу руҳда ҳаракат қилишга тайёрмиз.

Саволингиз муносабати билан яна бир фикрни айтмоқчиман. Назаримда, американликларнинг кучли томони уларнинг прагматизми синашта бўлган нарса доғда қолдиргудек бўлса, янги ечимларни қидириб топишга тайёрдир. Рўй-рост айтганим учун маъзур тутинг, аммо американликларда улар билан муомалани мураккаблаштирадиган хусусият ҳам бор. Американликларнинг эътиқодича, улар ихтиёридаги ҳамма нарсалар жуда соз, бошқалар ихтиёридаги нарсалар эса ёмон ва яроқсиз демаганда ҳам ҳар ҳолда унчалик яхши эмас. Мен бу ўринда АҚШда неча ўн йиллардан бери қарор топиб келган антикоммунизм ҳақида, ва гарчи бундан анча йил илгари Альберт Эйнштейн антикоммунизмни «XX асрнинг энг катта бўҳтони» деб атаган бўлса ҳам, ҳозир бу ҳақда гапирмай қўяқолай.

Ҳамжиҳатлигимиз ҳаққиҳурмати бизни Америка уставига кўра яшашга ўргатишга ҳаракат қилманг, уринишингиз зое кетади. Такрор айтаманки, биз ҳам Қўшма Штатларга ўз қадриятларимизни таклиф қилмоқчи эмасмиз.

Келинг, бир-биримизни ҳурмат қилиб ва инсон фаолиятининг барча жабҳаларидаги ўз меҳнатимиз меваларини ҳолисона баҳам кўриб, ҳар биримиз ўзимизча яшайверайлик.

Шунга ишончим комилки, ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўзига таҳқидий назар ташласа, бошқаларнинг тажрибасини рад этмаса, бошқа маданият, бошқа тафаккур тарзи, бошқа урф-одатларни тушуниш ва ҳурмат қилишга ва ниҳоят, албатта, террорчилик, фашизм ва диктаторлик режими бўлмаган бошқа сиёсий системани тушуниш ва ҳурмат қилишга қодир бўлса ютқазмайди, балки ютади.

Савол. Сизларнинг қайта қуриш сиёсатингиз СССРдаги миллатлар ўртасида қарор топган муносабатларни тубдан ўзгартириш заруратини келтириб чиқарадими? Ана шу сиёсат доирасида маданий хилма-хиллик ва интернационализм манфаатларига мос келадиган янги қадамлар қўйиш кўзда тутилмоқдами?

Жавоб. Бизда мамлакатимиздаги миллатлар ва элатлар ўртасидаги муносабатларнинг социалистик принципларини ўзгартириш масаласи қўйилган эмас. Ана шу принципларни бузиш ҳоллари эса тўғрилаб оламиз. Сўнгги вақтда баъзи республикаларимизда юз берган воқеалар ана шу принципларнинг бузилиши билан боғлиқ эди. Ёки воқеаларга Ғарбда, айтишим мумкинки, носоғлом қизиқиш билан, кўпинча Советларга қарши мазмунда, ноҳуш ниятлар билан қаралди. Кўпмиллатли Иттифоқимизни заифлаштиришга қаратилган найранглар ишга солинди.

Муаммолар бор, албатта, бу муаммолар шахсга сиғиғиш давридан ҳамда экономикада, социал сиёсатда, маънавий ҳаётда, инсоний муносабатларда турғунлик давридан қолган мерос билан боғлиқ. Барча миллатдаги совет кишиларининг чуқур онгига сингиб кетган интернационализм бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилишда бизга ёрдам беради. Бу муаммоларни жамиятни тубдан янгилаш жараёнида қайта қуришнинг барча асосий вазифаларини ҳал қилиш билан мустаҳкам боғлиқ равишда ва қайта қуриш руҳида ҳал қиламиз.

* * *

Илгари хабар қилинганидек, М. С. Горбачев «Вашингтон пост» газетаси ва «Ньюсуик» журнали нашрлари билан суҳбатлашди.

М. С. Горбачев. Олий даражадаги учрашув арафасида сизларни Москвада табриклаётганимдан ҳурсандман. Вашингтон шу кунларда нималарга қизиқмоқда?

К. Грэхэм. Ҳамма олий даражадаги учрашувга тайёргарлик кўрмоқда. Ана шу воқеа муносабати билан бу ерга минглаб одамлар келади. Уларнинг ҳаммаси олий даражадаги учрашувни катта умид билан кутмоқда.

М. С. Горбачев. Москва ҳам олий даражадаги учрашув арафасида турибди. Бу жуда яхши. Бошланган ишнинг давом этаётганлиги — яхши. Совет—Америка мулоқотида юксалишлар ва пасайишлар, эҳтимол унинг ўз эволюцияси бўлиши мумкин, лекин бу мулоқот давом этаётганлиги, муносабатларимизни ривожлантиришда аниқ-равшан натижаларни ваъда қилаётганлигига шубҳа йўқ. Сизларнинг саволларингизга топширган ёзма жавобларимда ҳам мен шу ҳақда айтиб ўтдим. Биз доимий Совет—Америка мулоқотининг ўзига юксак баҳо берамиз. Ғоят хилма-хил соҳаларда — сиёсий, илмий-техникавий, иқтисодий маданий соҳаларда АҚШ билан алоқаларимиз ҳилма-хилдир. Лекин улар олий даражадаги учрашув ўрнини боса олмайди.

Бунга илова қилиб, Москвада ҳам ўн тўрт йиллик танаффусдан сўнг, Қўшма Штатлар президентининг визитига тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида сизларни хабардор қилиб қўймоқчиман.

К. Грэхэм. Сиз президент Рейган билан, шунингдек Ж. Шульц ва Э. А. Шеварднадзе билан

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

«Вашингтон пост» газетаси ва «Ньюсуик» журналининг саволларига жавоблари

(Охири. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Энди мен саволингизнинг иккинчи қисмига жавоб бераман. Ҳақиқатан ҳам жамиятимизда, партиямизда олдин ҳам ислоҳот, янгилаш зарурлиги англаб етилган эди. Ана шундай ислоҳотни жуда кенг миқёсда амалга оширишга уриниб ҳам кўрилди. Сиз айтганингиздек, жумладан Никита Сергеевич Хрушчев, у бошчилик қилган раҳбарият ҳам уриниб кўрди. Менимча шуни ҳам айтиш керакки, Л. И. Брежнев ишлаган даврда ҳам у бошчилик қилган раҳбарият катта-катта планларни режалаштирган ва бошлаган эди. Лекин улар ниҳоясига етказилмади. Асосан шунинг учун ҳам ниҳоясига етмадики, ҳал қилувчи кучга таянилмади — жамиятни модернизация қилиш, уни қайта қуриш ишига одамлар жалб этилмади. Биз ўтмишдаги ана шу тарихимиздан ўзимиз учун сабоқ чиқариб олдик. Шу сабабли ҳам демократиялаш жараёнини қатъият билан авж олдирмоқдамиз.

Ҳозир бизда «Демократия кўпроқ бўлсин — социализм кўпроқ бўлсин», деган ибора бор. Бу сўзларнинг чиройли боғланиши, шунчаки шиор эмас. Бу пухта ўйланган йўл-йўриқдир: демократия жараёнини авж олдириш орқали, одамларни иқтисодий, сиёсий, социал, маданий ўзгартишларга жалб этиш орқали социализмнинг имкониятларини, шу система замиридаги барча имкониятларни рўёбга чиқариш ҳақидаги йўл-йўриқдир.

Эндиликда биз уч йил давомида қайта қуриш тажрибасини орттирдик. Янги босқичда иш олиб бордик ва эндиликда қайта қуриш умумхалқ иши, миллий иш бўлиб қолди, деб ишонч билан айта оламиз. Эҳтимол, кўп авлодлар, айниқса мен мансуб бўлган авлод эса одамларнинг ҳозир биз кўриб турган бундай фаоллигини, жамият ишларидан бундай манфаатдорлигини ҳеч қачон кўрмаган бўлсалар керак. Одамлар партия, давлат, хўжалик органлари фаолиятини, барча жараёнларни қизғин муҳокама қилмоқдалар. Мамлакатда юз бераётган ҳамма ишларга қизиқиш жуда катта. Бу — турғунликдан, лоқайдликдан чиқилганлиги далилидир. Ҳаётимиз жуда жўшқин. Мана шу жўшқин денгизда кемани бошқариб бориш осон эмас. Аммо бизда компасимиз ҳам, командамиз ҳам бор. Кемамиз эса жуда мустаҳкам.

Ж. Хогленд. Қайта қуриш билан боғлиқ бир нечта конкрет савол бермоқчи эдим. Сиз ҳозирги давр — жўшқин давр, баъзи соҳаларда қийинчиликлар олдингидан ҳам кўп, дедингиз. Мен хусусан нарх-наво ислоҳоти қайта қуришнинг гоят муҳим жиҳати деб ўйлайман. Сизларнинг мамлакатингизда субсидиялар системаси мавжуд бўлиб, бу халқ билан ҳукумат ўртасидаги эски социал шартномасининг бир қисмидир. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир совет кишиси ўзи сотиб олаётган ҳар бир килограмм гўштга 3 сўм миқдорида ва ҳар литр сутга 30 тийин миқдорида субсидия олади. Сиз мамлакат учун жуда қимматга тушаётган бу система ўзгартирилиши керак, деб ҳисоблайсизми, агар шундай деб ҳисобласангиз бу қанчалик шошилинч вазифа ва у қандай бажарилади?

М. С. Горбачев. Биз бу муаммони муҳокама қиляпмиз. Фақат ҳукумат доираларида эмас, жамиятда ҳам муҳокама қиляпмиз. Москвада бўлган киши матбуотимиз мазкур масалалар юзасидан мунозара олиб борилаётганлигини тасдиқлаши мумкин. Унда оддий гражданлар, ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, ветеранлар, мутахассислар қатнашмоқдалар. Бу муаммо бутун жамиятга даҳлдордир.

Туб иқтисодий ислоҳот, нарх-наво ва нарх белгилаш тушунчаларини ўз ичига оладиган комплекс чора-тадбирлар агар таъбир жоиз бўлса, катта аҳамиятга эга. Мен нарх-наво тўғрисида гапирганимда улгуржи нархларни ҳам, харид нархларни ҳам, чакана нархларни ҳам кўзда тутаман. Биз янги беш йилликни янги нархлар асосида тузиш ниятидамиз.

Эндиликда аслида унга қандай ёндашиш тўғрисида гапирмоқчиман. Ҳукумат доираларида ҳам, илмий доираларда ҳам бу хусусдаги нуқтаи-назар аниқ шакилланган. Бу ҳақда биз халққа дастлабки тарзда гапирдик. Яъни нарх-навони ислоҳот қилишда, нарх белгилаш системасини ўзгартиришда энг аввало реал турмуш даражаси пасайиб кетмаслигига амал қилишимизни айтдик.

Ундай бўлса, ислоҳ қилишнинг нима аҳамияти бор, деб сўрашингиз мумкин. Аҳамияти шундаки, нарх-наво реал иқтисодий жараёнларга мос бўлиши, унда реал сарф-харажатлар, сарфланган меҳнат акс этиши лозим. Бу эса бутун молия системасини ҳам соғломлаштиришга имкон беради. Шу асосда хўжалик ҳисобини муваффақиятлироқ авж олдириш, барча коллективларда экономикани фан-техника тараққиётини юксалтириш, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, жамиятнинг ишлаб чиқариш воситаларига ҳам, товарларга ҳам, яхши сифатли хизматга ҳам эҳтиёжни яхшироқ қондириш йўлларини излашга қаратилган тўғри йўналишда ривожлантирадиган ҳамма моддий омилларни ишга солиш мумкин бўлади.

Бунда янги нархларнинг жорий этилиши келтирадиган зарарни қоплаш системасини жуда пухта ўйлаб оламиз — ҳозир шу хусусда иш олиб боряпмиз: гап ҳозир чакана нархлар тўғрисида бормоқда. Биз бунга тайёр бўлганимизда, тадбирларимиз пухта ўйланиб, ҳар томонлама ҳисобга олинганида, уларни бутун мамлакат муҳокамасига қўямиз. Биз халққа шундай ваъда қилганмиз, худди шундай ҳаракат қиламиз. Халқ розилигисиз ҳеч иш қилмаймиз.

Ж. Хогленд. Қўшни социалистик мамлакатда, Польшада нарх-наво ислоҳоти гражданларни ташвишга солганлигини, катта муаммоларни келтириб чиқарганлигини биз ҳозиргина кўрдик. Сиз ана шундай жўшқин воқеалар бўлмайди, деб ўйлайсизми?

М. С. Горбачев. Бизда вазият бошқача. Биздаги вазият шундайки, нарх-наво нинг асосий қисми давлат томонидан қаттиқ контрол қилиб турилади. Шу сабабли мақбул жиҳатини топиш: зарур иқтисодий механизмларни бўшатиб олиш ва шу билан бирга зарур марказлаштирилган контролни сақлаб қолиш муҳимдир. Чамаси буни бирданига ҳал қилиб бўлмайди. Янги нарх-наво механизмини вужудга келтириш иқтисодий ислоҳот доирасида ўтадиган жараёндир.

Бизни сакрашни билдирадиган ҳаракатлар қилишга ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам ундамоқдалар. Аммо биз вазминлик билан, ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиб ҳаракат қиламиз. Демократия механизми орқали халқ билан муттасил маслаҳатлашаверамиз.

Ҳар ҳолда энди, назаримда, менинг жавобимдан кейин, «Вашингтон пост» қайта қуришни жадаллаштириш учун бизга ўйламай-нетмай маслаҳат беришни тўхтатса керак. **(Кулги).**

М. Гринфилд. Жаноб Горбачев, мен Сизга бошқа соҳадаги қайта қуриш тўғрисида савол бермоқчиман. Сиз халқаро муносабатларни, хусусан социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни қайта қуриш ҳақида ёзган эдингиз.

Сиз ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини: капитализм йўлини, социализмни ёки бошқа бирор йўлни танлаб олиш учун мутлақ ҳуқуққа эга бўлиши керак, деб қойил-мақом қилиб ёзган эдингиз. Мен буни Шарқий Европадаги социалистик мамлакатларга нисбатан қанчалик қўлланиш мумкинлигини сўрамоқчи эдим. Масалан, Польшада жамиятнинг эҳтимол коммунистик партия етакчи роль ўйнамайдиган плюралистик системаси учун курашаётган унсурлар бор. Булар, қанчалик мақбул, бунга сиз қанчалик тоқат қилиш мумкин?

М. С. Горбачев. Сиз саволингизни Польша раҳбарларига берсангиз яхшироқ бўларди, деб ўйлайман. Бу саволингизнинг дастлабки қисмига мос келарди. Шунга қарамай, бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман.

Биз ҳар бир халқ, у дунёнинг қайси қисмида яшашидан қатъи назар, ўз социал йўлини танлаб олишга, ўз жамиятини такомиллаштириш йўлини танлаб олишга ҳақли, деб ҳисоблаймиз. Польша халқи Польшанинг куч-қудрати ортиб, мустаҳкамланиб бориши учун, унинг тараққиёти халққа самара бериши учун ҳозирнима қилиши зарурлиги унга аён бўлса керак, деб ўйлайман.

Биз ўз мамлакатимизда амалга ошираётган ишлар — бизнинг ўз ишимиз. Қайта қуриш бизнинг шароитимизда вужудга келган. У бизга керак. Биз қайта қуришни кенгайтириб чуқурлаштираверамиз. Лекин биз ўз тараққиёт методларимизни, жамиятимизни такомиллаштириш усулларини ҳеч кимга тиқиштирмаймиз. Бу ҳар кимнинг ўз иши. Поляклар ҳам Польшани ривожлантириш учун нима қилиш кераклигини ўзлари белгилаб оладилар, деб ўйлайман. Одамларнинг асосий кўпчилиги, Польша жамиятининг асосий қисми улар урушдан кейин танлаб олган йўлдан бориш тарафдори эканлигига ишончим комил.

М. Гринфилд. Шу муносабат билан Сизнинг Белградаги бир баёнотингизни эслатиб ўтмоқчиман. У ерда Сиз бошқа бир мамлакатнинг ишига номақбул равишда куч билан аралашишга олиб келадиган вазиятнинг ўзи йўқ, деган эдингиз. Биз буни Ғарбда тушунганимиздек, 1956 йилда Венгрияда ёки 1968 йилда Чехословакияда бўлгани каби вазият, бундай вазият такрорланмаслиги мумкин эмаслигини билдирадими? Шу талқин тўғримми?

М. С. Горбачев. Ҳа, мен Югославияда бу хусусда ўз фикримни айтган эдим. Ўша айтган гапларимни тасдиқлашим мумкин, унга бошқа ҳеч нарсани илова қилолмайман. Фақат қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчиман: ҳар қандай томоннинг аралашувига йўл қўйиб бўлмайди. Сиз аралашмаслик тўғрисида гапирганингизда, нималарни кўзда тутаётганингизни англаб турибман. Аммо ўша вазиятларни эслаб, мен каттароқ нарсани, яъни сиз айтган воқеалар юз беришидан олдин бошқача тарздаги аралашувлар бўлганлигини кўзда тутмоқдаман.

Буни қаранг, урушдан кейин қанча вақт ўтди, шунга қарамай, баъзи ғарб пойтахтларида ҳозир ҳам парламентлар ёки шунга ўхшаш органлар бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш, деб баҳо бериш мумкин бўлган қарорларни қабул қилмоқдалар.

Сўнгги ўн йилликларда жаҳон жуда ўзгариб кетди. Ҳозир ҳатто энг кичик халқ ҳам ўзи бир томоннинг аралашувига ва бўйруқ беришига тоқат қила олмайди. Бизнинг социалистик мамлакатлар билан муносабатларимиз — мустақил давлатларнинг тенг ҳуқуқли муносабатларидир. Бу ҳамкорлик, ўзаро ёрдам муносабатларидир. Биз жуда кўп нарсани, шу жумладан ресурсларни ҳам баҳам кўрмоқдамиз. Ҳамкорлигимиз ўтмишда ҳар бир мамлакат экономикасини юксалтиришга, катта социал ўзгартишларни амалга оширишга имкон берди ва ҳозир ҳам имкон бермоқда, шу маънода биз бирбиримизга қарамиз. Бундай ҳамкорлик социалистик мамлакатларда чуқур ўзгаришлар бораётган ҳозирги босқичда яхши базадир, у ўз ижобий ролини ўйнайди, деб ўйлайман.

Р. Смит. Партия конференцияси арафасида ўртага қўйилаётган баъзи конкрет таклифларга Сизнинг шахсий муносабатингизни билишни истаймиз. Хусусан партия раҳбарларининг ўз лавозимларида туриш муддатларини чеклаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайсизми, агар қўллаб-қувватласангиз, у ҳолда бу таклиф Бош секретарь лавозимига ҳам таллуқлими?

М. С. Горбачев. Бу саволларнинг ҳаммасига яқин кунларда жавоб оласизлар. Ҳозирча бир сўз билан — ҳа, деб жавоб бермоқчиман.

Р. Смит. Ҳар ҳолда бироз кўпроқ гапириб берасиз, деб умид қиламиз...

М. С. Горбачев. У ҳолда — бугун қайси кун? Ўн саккизинчими? — 5—6 кундан кейин ўқиб олишингиз мумкин бўлган нарсаларни олдиндан айтиб қўйган бўлардим. «Вашингтон пост» ҳамиша кўпроқ ва ҳаммадан олдин билиб олишни истайди. **(Жонланиш).**

Кимдир тузатиш киритади: «Ньюсуик» шундай қилади. **(Кулги).**

М. С. Горбачев. Барибир. Бу сизларнинг империянгиз. **(Кулги).**

М. Гринфилд. Бизнинг империямизда ички рақобат ҳам бор. **(Жонланиш).**

К. Грэхэм. Жаноб Горбачев, биз бу ерга келганимиздан буён бўлажак партия конференциясига қизиқиш жуда катта эканлигини кўриб турибмиз. Бу гоят муҳим воқеадан Сиз нималарни кутаётганлигингизни умумий тарзда айтиб беришингиз мумкинми?

М. С. Горбачев. Мен кутаётган нарсалар бутун жамият кутаётган нарсаларга ўхшайди. Биз уч йиллик иш якунларини чиқариб, қайта қуришни қўллаб-қувватлаётган одамлар бизга сиёсий ихтилоф чиқиш мавжудлигидан ташвишланаётгандек туюлдилар. «Советская культура» газетасида бир хат эълон қилинди. Ўша хат автори: гўё «Марказий Комитет Пленуми ўтказилади ва М. С. Горбачевни вазифасидан олиб ташлайди», деб ташвиш билдиради. (Мен ўша хатдан цитата келтирдим). Шу сабабли у Сизнинг раҳбарлигингиз, сиёсатингиз масаласи хусусида ҳамма иштирок эта оладиган референдум ўтказишни таклиф қилди. Сиздан сўрашни истар эдим: бу хат ҳақида эшитганмисиз ва референдум ўтказиш ғояси хусусида фикрингиз қандай

М. С. Горбачев. Фақат шу хатни эшитибгина қолганим йўқ. **(Кулги).** Мен бундай фактлар пайдо бўлишини фақат ижобий баҳолайман. Бинобарин, мамлакатга ким раҳбарлик қилиши жамият учун бефарқ эмас экан. Бинобарин, одамлар юз бераётган жараёнларга жуда катта қизиқиш билан қарамоқда. Чамаси, сиз айтган гаплар қайта қуриш ютуқларини намойиш қиладиган қизиқарли рамздир: демак, халқ сиёсий жараёнга қўшилди, унда иштирок этишни, ўз фикрини, мулоҳазаларини айтишни истайди. Бу жуда соз. Эҳтимол, бу ҳозир қайта қуриш келтирган энг асосий жиҳатдир. Шу сабабли экономикада, социал соҳада ҳали жуда кўп иш қилишга тўғри келади. Бу соҳада ижобий ўзгаришлар бор. Лекин, бутун жамият асосли равишда ҳис этадиган катта ўзгаришлар бўлиши учун вақт керак.

Сиз эслатиб ўтган хавфсирашга келганда эса, партияда ҳам, жамиятда ҳам бу хавфсираш асосли эканлигини тасдиқловчи ҳеч қандай воқеа содир бўлаётгани йўқ.

Шу ўринда мен фақат ўзим тўғримда гапираётганим йўқ. Мен масалани умуман кўзда тутмоқдаман. Агар Бош секретарь атрофидаги ёнма-ён ишлаётган ўртоқларининг мададидан фойдаланмаганда эди, апрелдан сўнг бизда ҳеч нарса рўй бермаган бўлиши мумкинлигини тушуниб олиш учун биздаги сиёсий жараённи билиш лозим. Жамиятимизда, партиямизда, Марказий Комитетда вужудга келган барча янгиликлар ҳозирги раҳбарият иштироки билан бўлган.

Яна бир масалага тўхталаман. Қайта қуриш сиёсий жараёнда ҳам, экономика соҳасида ҳам, маънавий соҳада ҳам — ҳамма соҳаларда янги, омилкор кишиларни келтириб чиқармоқда. Демократияни ривожлантириш, уни чуқурлаштириш сиёсий майдонга янги-янги кучларни, омилкор кучларни олиб чиқади, деб ўйлайман. Қайта қуришнинг моҳияти яна шундаки, у демократия жараёни доирасида жамиятимизни тартибга, ўз-ўзидан йўлга солиб турувчи механизмни ҳам вужудга келтиради. Демак, халқ ва, албатта унинг энг яхши қисми, халқнинг интеллектуал қудрати, унинг қобилиятли, истеъдодли намояндалари барча даражаларда ва барча эшелонларда жамият ва давлатни бошқаришга қўшилади.

Жамиятимиз олдин қандай бўлса, эндиликда ўшандай бўлиб қолмайди. Ў ўзгармоқда. Бу борада ҳам механизмлар ишлай бошлади. Ҳали кўп ишларни қилиш талаб этилади. Лекин поезд ўрнидан қўзғалди, у тезликни ошириб бормоқда.

Р. Кайзер. Бир вақтлар Москвада яшаган мендек киши учун энг ҳайратомуз ўзгаришлар айнан матбуотда, телевиденида содир бўлганини кўриб турибман. Ҳаммаси жуда мароқли бўлиб қолибди. Кўпгина сиёсий маҳбуслар озод этилибди, илгари илтимоси рад қилинган кўп кишиларнинг мамлакатдан чиқиб кетишларига ижозат берилибди. 7 май куни Сиз, вазифа социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этишдан иборат, деб айтдингиз. Бизнинг саволларимизга қайтарган жуда мароқли ёзма жавобларингизда сўз эркинлиги мутлақо зарурлигини айтибсиз. Айни вақтда биз баъзи совет гражданлари бизнинг назаримизда, мана шу ҳуқуқни амалга оширишга, сўз эркинлигини амалга оширишга шунчаки уриниб кўрган кишилар, жумладан Арманистондаги Айриқян, Москвадаги Григорянц кабилар кўнгилсиз воқеага дуч келаётганликларини кўриб турибмиз. Нега шундай бўляпти? Маъмуриятнинг баъзи вакиллари ҳали янгича тафаккурини эгаллаб олмаганликлари учунми ёки бу гражданлар, Сизнинг назарингизда, сўз эркинлиги доирасидан чиқиб кетаётганликлари учунми?

М. С. Горбачев. Қизиқ савол. Мен бу саволингизга қисқача жавоб қайтараман. Бизнинг халқимиз жамиятни янгилаш, ўзгартишлар тарафдори бўлиб чиқиб, фақат социализм доирасида ва унинг қадриятлари руҳида қатъий фикр билдирганлиги қайта қуриш кўрсатиб берган энг муҳим нарса бўлди.

Ҳатто экономикадаги кооперация, хўжалик ҳисоби, ижара пудрати, якка тартибдаги меҳнат фаолияти каби тадбирлар ҳам жамиятимизда айни шу позицияларда туриб: буларнинг ҳаммаси социализмдан чекинишни билдирмайдими? Бу ўринда социалистик принципларга путур етмайдими? — деган нуқтаи назардан жуда жиддий ва синчиклаб муҳокама қилинди ва муҳокама қилинмоқда. Ҳозир мамлакатимиз шу даражага етдики, аҳолисининг 9/10 қисми социалистик жамиятда туғилиб ўсган кишилардан иборат. Қолаверса, ҳозирги раҳбарият ҳам бизга турмушнинг барча соҳаларида буюк йўл очиб берган социализмни ривожлантиришдан бошқа ишни билмайди. Биз социализмни, унинг ютуқларини биламиз, муаммоларини ҳам биламиз. Шу боисдан ҳам ўзимиз танлаб олган социалистик йўл доирасида ишлайверамиз.

Шунинг учун ҳам бизга бошқа қадриятларни, шу жумладан мафкура соҳасида бошқача қадриятларни тиқиштирганларида халқ бунга танқидий муносабатда бўлади. Аммо мана шунинг ўзи ҳам демократик жараёндир. Демократия мана шунақа бўлади.

Григорянцнинг «маҳкамаси» ташкилий жиҳатдангина эмас, молиявий жиҳатдан ҳам Ғарб билан боғлиқлигини, унинг доимий келувчилари ва меҳмонлари — Ғарб мухбирлари эканини халқимиз билади. Шу сабабли у демократик жараёнлардан, қайта қуришдан фойдаланиб, текинхўрларча кун кўраётган ғайри маҳкама деб ҳисобланмоқда. Афсуски, шундай ҳам бўлади. Табиатда ҳам бундай ҳодисалар учрайди: ҳар қандай текинхўрлар тирик организмнинг қонини сўриб, унга зиён етказишга уринадилар.

Бундай ҳодисаларни енгиш учун жамиятимизнинг кучи етарли. Қайта қуриш қозонида бутун жамият қайтадан пишиб олади, деб илгари айтган эдим. Бу қозондан у янада бақувват, мустаҳкам бўлиб чиқади, айни инсоннинг манфаатлари йўлида унинг демократик, инсонпарварлик имкониятлари янада тўлиқроқ намоён бўлади. Аммо, бизга истиқболни бошқа ердан излашни таклиф қилмоқчи бўлсалар, масалан, социалистик мулкни тугатишни ва ҳоказоларни тавсия этсалар, халқимиз буни рад қилади. Бундай таклиф ва тавсиялар қабул этилмайди — булар пуч ҳаёллардир. Сизлар ҳам буни билиб қўйишингиз керак.

Пировардида, мен сиз билан бизнинг учрашувимиздан мамнуниятимизни изҳор этмоқчиман ва «Вашингтон пост» билан «Ньюсуик» Совет Иттифоқида давом этаётган жараёнларни холисона таҳлил қилиш, жиддий, масъулиятли ёндашиш асосида ёритиб боришларига умид, унча-мунча умид билдирмоқчиман. **(Жонланиш).** Биз ҳеч қандай мақтовларни илтимос қилмаймиз, аммо сизларни қайта қуриш туфайли туғилаётган қақиқатларни билиб олишга таклиф этамиз. Салмоқли нашрлар ҳамма ишни салмоқли қилишлари керак.

К. Грэхэм. Ижозат берсангиз, яна бир жуда муҳим саволни бермоқчимиз. Олий даражадаги учрашув ҳақида, ҳам мазмун жиҳатдан, ҳам муҳит жиҳатдан бир неча оғиз сўз айтсангиз. Ёзма жавобларингизда, агар стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисида шартнома имзолаш мумкин бўлса, президент Рейган билан яна бир бор учрашувни табриклаган бўлур эдим, деб айтдингиз. Стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисидаги мана шу битим шу қадар муҳим ва ниҳоясига етишга шу қадар яқинки, ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш хусусидаги шартнома ва денгиз базаларидаги қанотли ракеталар каби масалалар хусусидаги музокаралар тугашини кутмай туриб, яъни космос ва денгиз базаларидаги қанотли ракеталар муаммолари хусусидаги иш тугамай туриб уни имзолаш мумкин, деб ҳисобласа бўладими?

М. С. Горбачев. Биз ядро қуролларини қатиян қисқартиришнинг принципиал ва эътиқодли тарафдорларимиз, шу сабабли стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисидаги шартнома имзоланишининг тарафдорларимиз. Бизнинг фикримизча, жумбоқни ечиш йўлларини излаш борасида биргаликда катта йўлни босиб ўтдик. Бироқ назаримда, агар биз бир соҳадаги стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш тўғрисида шартнома имзоласагу, айни вақтда космосда ёки денгизларда қуролланиш пойгасини авж олдирсак, бунда нима маъно бор? Қандайдир беъманилик келиб чиқади, деб айтсам, бу фикрга қўшиларсиз.

Шу сабабли бизнинг қатъиятимиз — Совет томонининг инжиқлиги эмас, унинг қандайдир тактик юришлари, найранглари эмас. Бу — чуқур ўйланган ва масъулиятли позициядир. Бу позиция совет халқининг манфаатларига ҳам, америка халқининг манфаатларига ҳам, қолаверса, бутун дунёнинг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади. Агар биз қуролланиш пойгасининг бир турини иккинчи турига, бунинг устига космосдаги қуролланиш пойгасига алмаштирсак, ҳамма иш умуман таҳликали тус олган бўлур эди: биз эндигина вужудга кела бошлаган ишончга путур етказган бўлур эдик, Женева музокараларида ортирилган бутун тажрибани қадрсизлантирган бўлур эдик. Чунки гап қуролланиш пойгасининг янги тури тўғрисида, бу пойганинг янги соҳаси ҳақида бормоқда, аҳдлашувга эришиш ва биронбир битимга келиш учун янги мезонлар талаб этилур эди. Бунга эса қанчаларканча ўн йилликлар керак бўлур эди.

Космосда қуролланиш пойгасига ундаётган киши халқ олдида — ҳам ўз халқи, ҳам бошқа халқлар олдида жиноят қилмоқда, деб ўйлайман. Бу гапни зўр масъулият ва аниқлик билан айтмоқ керак. Бундай ёндашув, бундай фикрлаш — хавфсизлик масалаларида беқарорликка, даргумонликка олиб борадиган йўлдир. Бундай ёндашув ташаббускорларининг таъзирини бериш керак.

Денгиз базаларидаги қанотли ракеталарни чеклашсиз ва назоратсиз қолдиришни хоҳламоқдаларки, бу ҳам маккорона найранг, қуролланиш пойгасининг яна бир йўналиши бўлур эди.

Шу сабабли биз мазкур масалаларнинг ҳаммасини бир-бирига боғлиқ деб биляпмиз. Шундай ёндашиш адолатли бўлади, деб ўйлайман. Энг муҳими шуки, биз бу муаммоларнинг ҳаммасини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ҳал этиш ва стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш хусусидаги шартномага эришиш йўлларини ҳам кўриб турибмиз. Шундан кейин олга бораверамиз.

К. Грэхэм. Мен бу саволни берганимнинг сабаби шуки, назаримда иккала томон ҳам ахдлашув сари анчагина илгари силжидилар. Агар стратегик мудофаа ташаббуси ва ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш хусусидаги шартнома каби масала олиб кўриладиган бўлса, бизнинг назаримизда Вашингтон декларациясининг ўзиёқ бош масалага, чунончи ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш хусусидаги шартномадан чиқмаслик даври тугагач нима бўлади, деган масалага жуда яқинлаштириб қўймоқда. Вашингтон Қўшма баёноти ҳозирнинг ўзидаёқ бу масалани ҳал этиш иложини топиб беради, деб ҳисоблайсизми?

М. С. Горбачев. Мазкур баёнотда ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш хусусидаги шартнома 1972 йилда қандай қабул этилган ва иккала томон уни 1983 йилгача қандай тушунган бўлса, уни шу тарзда тушуниш тўғрисида айтилган гаплар стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисидаги битим сари силжиш учун негиз яратади. Бироқ айни шундай бўлиши ва бундан бошқача бўлмаслиги керак.

Мен ҳали саволингизнинг бир қисмига жавоб қайтарганим йўқ. Биз Совет — Америка муносабатларининг шу муҳим соҳасида АҚШнинг ҳар қандай маъмурияти билан ишлайверамиз ва Женева жараёни доирасида ядро қуролларини қисқартиришга оид янги битимларга эришиш йўлларини излайверамиз. Агар бунга Рейган жаноблари даврида эришилса, буни табриклаймиз. Башарти бунга янги президент сайланганидан кейин эришилса, у ҳолда ҳам биз вақтни ўтказмай, ишни давом эттириш ниятидамиз. Гап Америка томонида қолган.

Чунончи, президент билан Марсга учиш ҳақидаги ҳамкорлик тўғрисида гаплашаман.

М. С. Горбачев ҳаммани ракета учирилиши тасвирланган фотосуратлар ёнига киришга таклиф қилади ва сўзини давом эттиради:

Мана, қаранг, — мана бу бултур 100 тонна юкни орбитага олиб чиққан бизнинг «Энергия» ракетамиз модели. Бирмунча модернизация қилинганидан кейин у 200 тонна юкни олиб чиқиб кўя оладиган бўлади. Мана буниси мазкур ракета учирилаётган пайтда олинган фотосурат, уни менга Бойқўнғир космодромидан юборишган (Мен бултур у ерга бориб келган эдим). Мен президент Рейганга Марсга биргаликда учишни ташкил этишда ҳамкорлик қилишни таклиф этаман. Чунки, «Стратегик мудофаа ташаббуси» ва ракетадан мудофаа программаларидан фан ва техниканинг тараққиёти нуқтаи-назаридан кутилаётган натижаларнинг ҳаммасига космосни ўзлаштириш тинч лойиҳалари доирасида эришиш мумкин. Масалан, биз Галлей кометасига учиш лойиҳасини амалга ошириш давомида ўнлаб янги материаллар, электроника, математика ва бошқа соҳаларда кўпдан-кўп илмий натижалар олдик.

Фаолият ва ҳамкорлик майдони мана шундай. Бу — Америка ва Совет халқига муносиб иш бўлур эди. Мен президентга яна шуни таклиф қилмоқчиман...

Ж. Хогленд. Биз академик Сагдеевнинг шу мавзудаги мақоласини эълон қилганимиздан хабарингиз бордир.

М. С. Горбачев. Қизиқарли. Галлей кометаси хусусидаги мақоланими?

Ж. Хогленд. Марсга биргаликда учиш хусусидаги мақолани. Автомат станцияни учириш таклиф этилмоқда. Биз учун бу нарса худди парвозни амалга ошириш мумкиндек туюлмоқда.

М. С. Горбачев. Бу фанда, технологияда, техникада жуда катта ёриб ўтиш бўлур эди. Аммо ҳозирча нималар билан шуғулланаётганимизни кўриб турибсизлар... Сизлар билан учрашганимдан хурсандман.

К. Грэхэм, бошқалар суҳбат ва мулоқот учун миннатдорчилик билдирадилар.

Саҳнада оила ҳаёти

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри саҳнасида Фарҳод Мусажоновнинг «Нажот истаб» пьесаси саҳнага қўйилди. Унда ота-оналарнинг ўз фарзандлари ва нохуш оилавий воқеалар учун жамият олдидаги масъулияти ҳақида жиддий фикр юритилади. Томошабинлар асарни ЮНЕСКО оила йили деб эълон қилган 1988 йилда кўрганликлари қувончлидир.

— Пьеса социал моҳиятининг актуаллиги билан мени ўзига жалб этди, — дейди постановкачи режиссёр М. Азимов. — Ажралиш муаммосидан биз қанчалик кўз юммайлик, барибир бундай воқеалар борган сари кўпаймоқда. Ҳатто, анъанага кўра, мустаҳкам оилалар кўп бўлган бизнинг Ўзбекистонимизда ҳам ана шундай воқеалар содир бўлмоқда. Ахир оила, айниқса у болаларни тарбиялаётган бўлса, икки кишининг иттифоқигина эмас, жамиятимизнинг ҳам ячейкасидир. Оилавий муносабатларда сезгир бўлиш, оқилона иш тутиш, биргаликда можаролардан қутулиш йўлларини топиш ҳамда болаларни эсдан чиқармаслик зарур. Бизнинг спектаклимиз худди ана шунга даъват этади.

Режиссёр постановка устида ишлар экан, социологлар, педагоглар, юристлар билан бир неча бор учрашди. Никоҳ бекор қилинаётган жараёнларни ўз кўзи билан кузатди, ажралмоқчи бўлган эр-хотиналар билан, шунингдек бир-бири билан аллақачонок муносабатни узганлар билан суҳбатлашди.

Бош қаҳрамон Мурод образини ёш артист Фатхулла Маъсудов ижро этмоқда. Постановкада ижодкор ёшлар билан бирга таниқли санъаткорлар — республика халқ артистлари Э. Маликбоева, Я. Абдуллаева, И. Болтаева ҳамда республикада хизмат кўрсатган артист Т. Тожневлар иштирок этишмоқда.

ЎзТАГ мухбири.

СУРАТЛАРДА: пойтахтимизнинг Ҳамза районидаги «Ғалаба»нинг 40 йиллиги» номли микрорайонда қад ростлаган янги турар жой бинолари.

Р. Шарипов фотолари.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ
Тошкент-88

«ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ҲАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН!»

Эзгулик тантанаси

Бу йил Тошкент шаҳри ўнинчи марта Ер куррасининг турли қитъаларидан келаётган меҳмонларни ўз бағрига олмоқда. Турли тузумдаги, турли иқлидаги, турли миллатдаги санъаткорларнинг юртимизга ташриф буюришининг асоси битта: тараққийпарвар инсониятни ҳамиша олға етаклаётган, эзгу ниятларини рўёбга чиқаришда буюк қудрат, енгилмас куч бўлиб келаётган совет халқининг тинчлик учун курашдаги жонбозлигини яна бир марта намойиш этишдир.

Тошкент Халқаро кинофестивалларида намойиш этилаётган фильмлар барча прогрессив мамлакатлар кинематографчилари ижодий йўналишга муҳим эътибор бераётганликлари, ўз мамлакат ва халқлари ҳаётини реалистик кўрсатишга ҳаракат қилаётганликларини кўрсатувчи кўзгу бўлиб қолди. Илғор санъат ғояларини акс эттираётган Вьетнам, Корея Халқ Демократик Республикаси сингари мамлакатларнинг маҳсулотига назар солсак, ёрқин, реалистик кино асарлар яратишга интилиш кучли эканлиги кишини қувонтиради. Бу ўринда кино соҳасида анча илгарилаб кетган Япония, Миср, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг тараққийпарвар кино мутахассисларини намуна қилиб кўрсатсак арзийди. Улар ҳар қандай таъқиб ва туҳматларга қарамай, буржуа дунёсининг ҳақиқий башарасини экран орқали фош этишмоқда. Жумладан, япониялик Акира Куросава, Ёдзу Ямада, Сацуко Ямамото, Кането Синдро, Тадаси Иманлар тинчлик байроғини баланд кўтаришиб, бутун башарият урушга қарши курашга даъват этишмоқда. Масалан, режиссёр Сацуко Ямамото ўзининг «Уруш ва одамлар» фильм-эпопеясида япон милитаристларининг Холхин-Гол дарёси олдидаги мағлубиятини ҳаяжонли кадрларда кўрсатар экан, ҳар қандай агрессиянинг аянчли оқибати ҳақида ўйлашга ундайди. Шунингдек, аргентиналик киночилар ишлаган таниқли совет шоири Константин Симоновнинг «Менга кутгил» (VIII кинофестиваль) бадиий фильми совет халқига муҳаббат руҳи билан суғорилганлиги; Жазоирнинг илғор санъаткорлари ўз киноленталарига «Алангали йиллар хроникаси» (IV кинофестиваль) деб ном беришлари; совет ва кўпгина чет эл санъаткорлари, кино танқидчилари, журналистлари, Вьетнам, Куба, Африка қитъаси мамлакатлари хроникал-ҳужжатли бадиий фильмларда тинч ҳаёт, ижодий меҳнат гаштн ва империализмнинг агрессив сиёсати туфайли вужудга келаётган кескинлик оқибатларини кўрсатиши ҳар бир кишини ҳаяжонга солади.

Асримизда кино қудратли санъатга айланди. Экран заҳматкашлари реакцион доираларнинг ғайриинсоний фалсафасини, қирғин урушни оқлашга уринаётганларнинг режаларини фош этувчи ҳужжатли фильмларни ҳам яратишга қодирлигини намойиш этишди. Биз санаб ўтган мамлакатлар Тошкент экранига юборган фильмларнинг ғоявий мазмунини империализм сиёсатининг ниқирозга учраши, миллий-озодлик курашн муқаррар равишда кенгайиб бориши, агрессив кучларнинг реакцияга қарши олиб бораётган кескин жангида меҳнаткаш халқнинг жасорат мотивлари ташкил этади.

Айниқса, бундан икки йил муқаддам Тошкентда бўлиб ўтган IX Халқаро кинофестиваль фильмларида тинчлик ва халқлар озодлиги учун кураш мавзусига бағишланган масалалар янада кенгроқ, муфассалроқ ифодаланди.

Шубҳа йўқки, X Халқаро Тошкент кинофестивали фильмлари ҳам замонамизнинг актуал масалаларини ўртага ташлаб, планетамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун; халқларнинг ижтимоий ва маданий тараққиёти учун; миллий мустақиллик ва демократия учун; уч қитъа ҳурфикрли санъаткорлари, жаҳон кинематографчилари ўртасидаги муносабатлар яна ҳам мустаҳкамланиши учун хизмат қилади.

Шуҳрат ҲИДОЯТОВ.



Ғолибларни совринлар кутмоқда

Бугун республикамиз пойтахтида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари X Тошкент Халқаро кинофестивали тантанали равишда очилади. Бу улкан киноанжуман аввалги фестивалларга нисбатан бироз фарқ қилади. Фестиваль энди ўн кун эмас, етти кун— 24 майдан 30 майгача давом этади. IX кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларининг таклифларини ҳисобга олиб ҳамда унинг обрўсини яна ҳам кўтариш ниятида, бу йилдан бошлаб ушбу киноанжуман конкурс билан ўтади. Бунинг яна бир сабаби, илғори кузатувчи сифатида қатнашиб келган ривожланаётган мамлакатлар киносанъаткорларининг сўнгги йилларда тараққиёт даражаси ўсиб бораётганлигидадир.

Олдинги фестивалларда қатнашган мамлакатларнинг деярли ҳар бир фильми ҳар хил ташкилот, ижодий союз, редакцияларнинг диплом ва мукофотларига сазовор бўлган бўлса, фильмларнинг бадиий савиясидан қатъий назар, энди фестиваль конкурсли бўлади, унга ижодий мусобақа руҳи берилади. Мусобақа руҳи бўлмагани учун ҳам сўнгги фестивалларда кўрсатилган фильмларнинг кўпчилиги бадиий савияси бошқа Халқаро кинофестивалларда кўрсатиладиган фильмлардан фарқ қиладиган бўлиб қолди. Бунга сўнгги, IX кинофестивалда қатнашган кўпгина фильмлар мисол бўлади.

Бу йилдан бошлаб фестиваль ташкилий комитети томонидан 5 та соврин таъсис этилади. Уларнинг қайси фильмга берилишини халқаро киножюри ҳал қилади. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг 9 таниқли киносанъаткорларидан ташкил топган ушбу жюрини чилилик машҳур кинорежиссёр Мигель Литтин бошқаради. Жюри составида таниқли ўзбек кинорежиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Али Ҳамроев ҳам бор. Конкурсда 16 фильм, жумладан, К. Ёрматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Армон» фильми ҳам (режиссёр Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мэлис Абзалов, сценарий муаллифи О. Муҳаммаджонов ва С. Соколов) қатнашади.

Ғолиб фильмларни қандай совринлар кутмоқда?

⊙ **Олий соврин** («Гран — при») — «Олтин семурғ». Семурғ — шарқ халқларининг эртак ва достонларида, шарқ шеъриятида куйланган афсонавий бахт қуши. Соврин тасвирида қуш биллур колоннага ўрнатилган бўлиб, унда ер шари ва офтоб ўз аксини топган. Колоннанинг пастки қисми очилган декоратив пахта чаноқлари билан ўралган. Қуш бошини мағрур кўтарган ҳолда ер шари ва унинг осойишталигини ҳимоя қилиб турғандай туюлади. Қушнинг думи эса уч кинолента перфорацияси шаклида бўлиб — Осиё, Африка ва Лотин Америка қитъаларини акс эттиради. Соврин муаллифи таниқли график-рассом Юрий Филлипович Кученковдир.

⊙ **Иккинчи соврин** — киносанъатида миллий анъаналарни ривожлантириш учун таъсис этилган. У рангли тошдан колонна шеклида ишланган бўлиб тепасида шарқ халқлари фольклорининг қувноқ қаҳрамони Хўжа Насриддин тасвирланган. Бу соврин муаллифлари Тошкент заргарлик заводи бош рассоми, СССР рассомлар союзининг аъзоси Михаил Максимович Трошин ва ушбу корхонанинг ёш ҳайкалтарошрассоми Вячеслав Пахтеев.

⊙ **Учинчи соврин** — «Олтин арча» эркаклар ролининг энг яхши ижроси учун берилади. Унинг автори Тошкент заргарлик заводининг янги заргарлик буюмлари яратиш бўйича рассоми Алексей Шаповалов.

⊙ **Тўртинчи соврин** — «Олтин лола» аёл ролининг энг яхши ижрочиси учун таъсис этилган. Совриннинг асоси ёрқин рангли тошдан ер шари формасида ишланган бўлиб, ўртасида гул тасвирланган. Унинг автори Ленинград бадиий саноат олий ўқув юртини битирган Тошкент заргарлик заводининг ёш моделчи-рассоми Наталья Павлова.

⊙ **Дебют учун бериладиган бешинчи** «Кумуш семурғ» совринининг автори Тошкентдаги «Рассом» комбинатининг безатувчи-рассоми Сергей Васильевич Аванесовдир. Соврин асоси ер шари формасида рангли тошдан ишланган бўлиб, устига семурғ қуши тасвири ўрнатилган.

Ҳамма совринларнинг кўзга ташланадиган жойига фестиваль эмблемаси туширилган.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, фестиваль совринларн эскизларини яратишда республикамизнинг 20 га яқин кўзга кўринган ҳамда ёш рассомлари, ҳайкалтарошлари қатнашди. Ижодий конкурс натижасида мутахассислар ва ташкилий комитет аъзолари юқорида айтилган совринларни танлашди.

Совринларни тайёрлашда Тошкент заргарлик, «Миконд» заводлари, «Средазкварцсамосвети» геологик экспедицияси корхонаси ҳамда «Совпластитал» ишлаб чиқариш бирлашмаси фаол қатнашдилар.

Фестивалнинг асосий совринларидан ташқари СССР кинематографчилари союзи, Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик совет комитети, Лотин Америкаси мамлакатлари билан бирдамлик совет комитети фестиваль қатнашчилари учун махсус совринлар таъсис этдилар. Ўзбекистон Кинематографчилар союзи, Ўзбекистон Журналистлари ва Композиторлар союзлари, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти, Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик республика комитети эса конкурсдан ташқари ахборот тарзида намойиш этиладиган энг яхши фильмлар учун ҳам махсус совринлар белгилади.

Фестивалда бўлган ўзгаришлардан яна бири — кинематографчиларнинг профессионал клуби — ПРОК — 88 ишлайди. Тошкент маданий-информацион марказида ўтказиладиган ушбу тадбирда фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари ўз фильмларини намойиш этадилар, муҳокама қиладилар, ҳамкасблари билан учрашадилар. Улар «Кино» ва миллий маданият анъаналари» мавзуидаги симпозиумда қатнашадилар. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари X Тошкент Халқаро кинофестивали фильмлари Тошкент шаҳрининг 15 кинотеатрида намойиш этилади. Шу жумладан Санъат саройида конкурс кўрсатувлари, «Искра» кинотеатрида Африка мамлакатлари фильмларининг ретроспектив кўрсатуви бўлиб ўтади. Ҳар галгидек республика Киночилар уйида халқаро кинобозор ишлайди.

Оқ йўл сенга, фестиваль!

Анвар ЁҚУБХУЖАЕВ,
СССР Кинематографчилар союзи аъзоси.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) кинофестивалнинг бош соврини «Олтин семурғ». Беш асосий соврин ана шундай кўрнишда бўлади. Совринларнинг ижодкорлари (чапдан) Наталья Павлова, Нина Лазорева, Михаил Трошин.

А. Ризқиев ва Ф. Қурбонбоев фотолари.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Конкурс фильмлари

25 май чоршанба куни Санъат саройида конкурсга тавсия этилган бадиий фильмларнинг кўриги бошланади. Конкурсда 16 та фильм қатнашади. Қуйида ана шу фильмларнинг айримлари билан танишасиз.

«ЧЕГАРАЧИ ҚИЗ», Никарагуа.
Бу фильмда Никарагуа халқининг мустақиллик учун кураши, матонати ва жасорати мадҳ этилади.

«ҚИРОЛ ВА ИМПЕРАТОР», Филиппин.
Бу тарихий киноқисса Филиппин қироличининг халқаро муносабатларни ўрнатиш мақсадида Хитойга қилган сафари ҳақида.

«ТОШ ҲАЙҚИРИҒИ», Жазоир.
Фильм она ерга муҳаббат, Ватан фарзанди бўлишдек муқаддас туйғуни улуғлайди.

«ПОДПОЛЬЧИЛАР», Куба.
1956—57 йилларда Кубада содир бўлган воқеаларни ёритувчи бу фильм ёш подпольечи революционерларга бағишланади.

«ТУНГИ САЁҲАТ», Туркия.
Фильмнинг бош қаҳрамони — кинорежиссёр Али атрофида ҳукм сурган шароит билан чиқиша олмайди. Муайян тўсиқларни енга олмаган қаҳрамон ўзини ўзи ўлдиради.

«УРУШДАН ЙИРОҚ ЙИЛЛАР», ХХР.
Ҳикоя марказида Пекинда ҳарбий академияда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган ўғлининг оиласида қария образи туради. У тез-тез жанговар йигитлик йилларини эслаб туради.

«ЙУҚ ЕРГА САЁҲАТ», Ҳиндистон.
Картинада отаси тенги қари чолга турмушга берилган ёш аёл тақдири ҳикоя қилинади. Урф-одатга кўра эри ўлгандан сўнг аёл ҳам дафн гулханида ёндирилиши керак...

«ҚОРА ҚЎЛ», Венесуэла.
Фильм жамиятнинг тубан қатлами — ўғри ва фоҳишаларнинг ҳаёт ва ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашлари ҳақида ҳикоя қилади.

«КУЧ ЙИҒИБ», Ироқ.
Фильмда ёш, чиройли қиз Фотиманинг мустақил йўлини топиши, ҳақ-ҳуқуқини таниши учун чидам ва матонат билан курашига бағишланган.

«ОРОЛЛИК БОЛАЛАР», Япония.
Фильмда қишлоқ муаллимаси ва унинг ўқувчилари тақдири орқали Японияннинг 20—40 йиллардаги тарихи тасвирланади.

Экранларда балққан нур

Она шаҳрим, бунча
яхшисан,
Қалби очиқ, меҳмондўст,
ўктам.
Ажабланар эшитган, қатто,
Қучоғингда ҳар куни
байрам.
Яна дўстлар лабида кулгу,
Янграр оқиш, янграр
хитоблар.
Янги бир боб қўшилар
бугун
Дўстлик номин олган
китобга.
Экранларда балққан янги
нур,
Жангга кирган ҳар бир
қаҳрамон.
Юрагида эрк берган сурур,
Юрагида орзу бир жаҳон.
Қўлни қўлга бериб одимлар.
Жумла жаҳон уфқда кўзи.
Она шаҳрим, дўстлик
риштасин,
Ҳаммамизга бергансан
ўзинг.

Темур ЙЎЛДОШ.

Даврга ҳамоҳанг

Қайта қуриш ва инсон омили. Жамиятимизда рўй бераётган инқилобий ўзгаришларни бугун ана шу тушунчалар билан боғлаётганимиз бежиз эмас. Қирғизистонлик режиссёр Геннадий Базаров ўз сценарийси бўйича суратга олган «Вояга етганлар учун бошпана» фильмида бугун биз қатъий ва кескин кураш олиб бораётган ичкилиқбозлик ва гиёҳвандликнинг аччиқ, фожиали оқибатларини врач нигоҳи орқали тасвир этади.

Врач Акимов ичкилиққа мукасидан кетган иродасиз кимсаларга аввало инсон сифатида қарайди, уларни даволабгина қолмай, ҳаётга, ўзларига ишонч сўнмаслигига, жамиятда ўз ўрниларини топишда ёрдамлашишга ҳаракат қилади. Психологик драма жанрида яратилган бу фильмда қирғиз киносининг моҳир актёрлари Советбек Жумадилов, Одилбек Чўқибоев ва бошқалар иштирок этишган.

Озарбайжонлик кинорежиссёр Гусейн Мехтиев суратга олган «Сут тишининг азоби» фильми ана шу ҳаётий масалаларни ўзига хос бадиий услубда тадқиқ этади. Фильмда бош қаҳрамон — ёш Керим онасидан жудолик аламини катта қийинчиликлар билан енгиб, хотиралар исканжасидан қутулиб чиқишга эришади. Оиланинг яна бир ўғли — Селим ҳам нурсиз кунларни аста-секин унутиб, сирли, тотли туйғу—севги туфайли ҳаётга қайтгандек бўлади. Отаси ҳам ўқитувчи аёлга кўнгил бериб, азалий ҳаёт қонунлари ила яшай бошлайди. Ҳаёт ва ўлим, жудолик ва тириклик. Табиатнинг бу ажабтовур узвийлиги маънавий оламимизнинг кучқуввати, сеҳри билан абадийдир. Фильм бизни ана шунга яна бир бор ишонтиради. Унда Парвоз Гусейнов, Фуад Дадашев, Алижон Азизов каби актёрлар ижроси билан танишамиз.

Жамила АСАДОВА.

СУРАТЛАРДА: «Вояга етмаганлар учун бошпана» ва «Сут тишининг азоби» фильмларидан лавҳалар.

Биз — интернационалистларимиз

Шарқшунослар оиласи

Эр-хотин Деспотовлар Софияда уч яшар ўғиллари Борисни қолдириб, Тошкентга қайтиб келишди. Ҳозир у бувиси ва буваси қўлида тарбия топмоқда. Чунки — отаонаси диплом лойиҳаси устида ғайрат билан ишламоқда. Поляк қизи Беата (унинг қизлик фамилияси Плашевска) ва болгар йигити Георгий Ўзбекистон пойтахтида онла қуришганди. Эндиликда улар В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети шарқшунослик факультетини битирмоқдалар. Георгий — бўлажак хитойшунос, Беата эса араб филологияси мутахассиси бўлади.

Асли варшавалик Беата биз билан суҳбатда касбни тасодифан танлаганлигини рўй-рост айтди.

— Мен Совет Иттифоқига келиш, бу ердаги одамларнинг турмушини кўриш орзусида эдим,— деб сўз бошлади у, — шу боисдан ҳам СССРда ўқиш имконияти пайдо бўлганидан хурсанд бўлдим. Энди касбимга ихлосим баланд. Тажрибали, ўз ишига меҳр қўйган муаллимларимиз бу борада менга ёрдам беришди. Улар орасида араб филологияси кафедрасининг катта ўқитувчиси Рамиль Шокиров ҳам бор. Ёш бўлса ҳам, ҳамкасблари орасида обрў-эътибор қозонган педагог кўпгина араб мамлакатларида бўлган. Мен ва дўстларим устозимнинг лекцияларига катта қизиқиш билан кирамиз, чунки бу лекциялар қизиқарли ва мазмунлидир. Шокиров диплом ишимга раҳбарлик қилмоқда. Диплом ишим «Араб тилида изоҳловчи» мавзуига бағишланган.

— Беата тадқиқот ишига мойил бўлган қобилиятли, меҳнаткаш студент, — дейди Р. Шокиров ЎзТАГ мухбирига — Шунинг учун ҳам мен унга таржимонлар иши учун муҳим бўлган мураккаб мавзуни тавсия этдим. Араб тилидаги изоҳловчилар тўғрисида мазкур дарсликда кўп ёзилмаган. Шунинг учун ҳам Деспотованинг диплом иши араб тилшунослигига қўшиладиган муайян ҳисса бўлиши мумкин.

Георгий эса Тошкент университетидан етишиб чиққан болгариялик биринчи хитойшунос бўлади. У оилавий анъанани давом эттириб, Совет Иттифоқига ўқишга келган: унинг отаси Пламен 50-йилларда Днепропетровск шаҳрида ўқиган ва СССРдаги қалдирғоч болгар студентларидан бўлган. Кейинчалик у ўз мамлакатининг ташқи савдоси идорасида ишлай бошлади ва Георгий отаси билан бирга қўпгина мамлакатларга борган. Ўрта мактабнинг сўнгги синфларида ўқиётганида оила Хитойда яшаб, Георгий Совет элчихонаси ҳузуридаги мактабда таълим олган. Ўша кезлардаёқ у Осиёдаги улуғ мамлакат адбиёти, унинг тили ва тарихига қизиқиб қолди. Шундай қилиб, у мутахассисликни тасодифан танлагани йўқ.

Георгий «Замонавий Хитой адабиёти» мавзуида диплом иши тайёрламоқда. Болгариялик студент ўз дипломини Хитой филологияси кафедрасининг катта ўқитувчиси Галина Мулдакова раҳбарлигида ёзаяпти.

Бу мавзу Совет Иттифоқида ҳам, Болгарияда ҳам дуруст тадқиқ этилмаган, — дейди Георгий. — Олтмишинчи-етмишинчи йиллар да мамлакатларимиз билан Хитой ўртасидаги муносабатлардаги кескинлик ўз таъсирини ўтказди. Хитой ёзувчиларининг китобини топиш ҳам мушкул бўлиб қолганди, отамнинг Пекинда ишлагани ва мен унинг олдига борганимда китоб сотиб олганим ёрдам берди. Энди аҳвол яхшилик томонга ўзгарди, Хитой адибларининг асарларини Тошкентда ҳам бемалол сотиб олса бўлади.

Мен Беата ва Георгийга бир-бирингиз билан қайси тилда сўзлашасиз, деб савол берганимда, улар жилмайиб, уч тилда, — рус, болгар ва поляк тилида сўзлашамиз, деб жавоб беришди. Беата болгар тилини ўрганмоқда, Георгий эса ПХР студентларидан поляк тилини ўрганиб олганди. У ётоқхонада польшалик йигитлар билан бирга яшаганди.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 12775 Якшанбадан ташқари ҳар кунн чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). А. — 2129. Тиражи — 108. 100. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.